

МОДАЛ ФЕЪЛЛАРНИ ТАСДИҚ ВА СЎРОҚ ГАПЛАРНИ ЎРГАТИШДА УЧРАЙДИГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Пўлатова Б.З.,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

Email: bonu1216@mail.ru

Аннотация. Хитой тили hozirgi kunga kelib eng kўp ўрганилаётган тиллар сирасига киради. Хитой тилидаги модал феълларнинг семантик, стилистик ва синтактик омилларининг тахлил натижалари “хитой руҳияти”ни янада чуқур англаш ва таржимонлик фаолияти жараёнида аниқ йўналишда иш тутишга ёрдам беради. Хитой тилидаги модал феъллар ўзининг семантик-грамматик жиҳатларига эга ва тилнинг мустақил тузилиши сифатида ўрганилиши лозим.

Хитой тилидаги модал феълларнинг 5 хил асосий лексик- семантик мисоллар ёрдамида кўрилиб, ҳар бир семантик гуруҳлардаги модал феълларнинг ҳам объектив, ҳам субъектив омиллар таъсир кўрсатиши аниқланди.

Модал феълларни ишлатишда учрайдиган хатолар тахлили натижасида модал феълнинг эмас, балки асосий феълнинг редупликацияга учраши ва улар билан 了le , 过guo , 着zhe ёрдамчи сўзлар қўлланилмаслиги аниқланди.

Калит сўзлар: Модал феъл, стилистик, семантик, тасдиқ- сўроқ гаплар, синтактик омиллар.

Хитой тили hozirgi kunga kelib eng kўp ўрганилаётган тиллар сирасига киради. Бунга сабаб Хитой иқтисодиётининг ривожланиб бораётганлиги, маданияти, халқаро дўстона муносабатлар бунга яқол мисол бўла олади. Шунингдек, Хитой тилини ўргатиш, ўрганиш ҳам жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Модаллик соҳасидаги тадқиқот натижалари мутахассисликлар, маҳсус курслар бўйича хитой тилининг ўқитиш жараёнида, лексикология, назарий грамматика соҳасида, филологияга кириш ва бошқа йўналишларда ҳамда синхрон ва изчил таржималар қилишда малакани ошириш, мазкур соҳада маҳсус адабиётлар, методологик қўлланмалар яратиш учун материал бўлиб хизмат қилади. Хитой тилидаги модал феълларнинг семантик, стилистик ва синтактик омилларининг тахлил натижалари “хитой руҳияти”ни янада чуқур англаш ва таржимонлик фаолияти жараёнида аниқ йўналишда иш тутишга ёрдам беради.

Кўпгина битирувчилар ўзларининг таржимонлик, гид кузатувчи сифатидаги фаолиятлари давомида ва умуман кундалик ҳаётларида хитой тилида ўз фикрларини баён қилганларида хитой тилидаги модал феълларни тўғри қўллашда айрим қийинчиликларга, тушунмовчиликларга дуч келдилар. Бундай ҳолат кўпгина тилларга хосдир. У ёки бу ҳолатларда модалликни

тўғри ифодалашдаги ноаниқлик туфайли таржима жараёни қийинлашуви мазкур тадқиқот мавзусини танлашимиз, замонавий хитой тилида модал феълларнинг қўлланишида ўзига хос бўлган семантик, стилистик ва ҳатто синтактик омилларни чуқур ўрганишимиз учун тўртки бўлди.

Модал феълларни қўллаётган пайтимизда нафақат инкор шаклини қўллашда хатога йўл қўйилади, балки тасдиқ ва сўроқ шаклларда ҳам модал феълларни қўллаш билан боғлиқ хатолар учраб туради. Мисол тарзида кўйидагиларни келтириш мумкин:

1. 想*xiang* “хоҳламоқ” ва 要*yao* “керак, хоҳламоқ” модал феълларни қўллаш

我的父母总是要管我。当我不做他们想我做的事情的时候，他们就干涉我的自由。

Wo de fumu zong shi yao guan wo. Dang wo bu zuo tamen xiang wo zuo de shiqing de shihou, tamen jiu gan she wo de zi you.(X)

我的父母总是要关我。当我不做他们要我做的事情的时候，他们就干涉我的自由 [2].

Wo de fumu zong shi yao guan wo. Dang wo bu zuo tamen yao wo zuo de shi qing de shi hou, tamen jiu gan she wo de zi you.(√)

Менинг ота-онам доимо мени назорат қилишни исташади. Улар хоҳлаган ишни қилмаган пайтларимда улар мени эркинлигимни чеклашади.

Ушбу жумлада биринчи 要*yao* модал феъли “исташади” маъносида қўлланилган бўлса, гапнинг иккинчи қисмида қўлланилган 要*yao* кўпроқ ота-онанинг истагини мажбуран бажаришни акс эттирган. 他们要我。 *Tamen yao wo zuo* жумласида “улар буни исташади, мен уларнинг истагини бажардим” маъносини ифодалашда 要*yao* “керак, истамоқ” модал феълнинг қўлланилиш 想*xiang* “хоҳламоқ” модал феълнинг қўлланилишидан афзалроқ, чунки 他们想我做。 *Tamen xiang wo zuo* жумласидаги 想*xiang* модал феъли шунчаки “хоҳиш-истакни” ифодалайди, ҳеч қандай мажбуриятсиз. [2; 742]

2. 会*hui* модал феълни қўллашдаги хатолар.

今年我会达到汉语中级水平了.

Jin nian wo hui da dao han yu zhong ji shui ping le. (X)

今年我能达到汉语中级水平了.

Jin nian wo neng da dao hanyu zhong ji shui ping le (√)

Бу йил мен хитой тилининг ўрта даражасини қўлга кирита оламан.

Одатда 会*hui* модал феъли “бирон бир ютукқа ўқиш орқали эришиш” маъносини ифодалаш учун хизмат қилади, лекин мазкур модал феълни

кўллашда умумий контекстнинг маъносига ҳам эътибор қаратиш лозим. Агар гап қобилият, бирон бир даражага эришиш ҳақида кетса 会 *hui* модал феъли ўрнига 能 *neng* модал феъли қўлланилади.

我会写汉字了。

Wo hui xie han zi le .

Мен иероглифларни ёза оламан.

现在这些汉字我都能写对了。

Xian zai zhe xie hanzi wo dou neng xie dui le.

Ҳозирда ушбу иероглифларни тўғри ёза оламан.

他会看书了。

Ta hui kan shu le.

У китоб ўқишни ўрганиб олди.

他能在一天内看完一本厚书。

Ta neng zai yi tian nei kan wan yi ben hou shu.

У бир кун ичида қалин китобни ўқиб тугатди.

Тасдиқ- сўроқ гапларда модал феълларнинг қўлланилиши

今年暑假你要去不去旅游？

Jin nian shu jia ni yao qu bu qu liǔ you?(X)

今年暑假你要不要去旅游？

Jin nian shu jia ni yao bu yao qu liǔ you?(√)

Сен бу йил таътилда саёҳатга борасанми йўқми?

Оддий феълларнинг тасдиқ инкор, сўроқ шакли “феъл+不+феъл”

шалкида ҳосил бўлади. М: 吃不吃, 看不看。 *Chi bu chi, kan bu kan.* Модал

феъллар иштирокидаги гапларда эса “модал феъл+不+модал феъл+асосий феъл” кўринишида ишлатилади. [2]

能说-能不能说

Neng shuo – neng bu neng shuo – Айтаоласанми, гапира оласанми йўқми?

会写-会不会写

Hui xie – hui bu hui xie – ёзаоласанми, ёзаоласанми йўқми?

Агар модал феъллар структура жиҳатидан икки бўғинли бўлса у ҳолда улар тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин. Масалан: “икки бўғинли модал феъл+不+ икки бўғинли модал феъл” ёки “икки бўғинли модал феълнинг биринчи бўғини +不+ икки бўғинли модал феълнинг тўлиқ шакли. Масалан:

应该-应该不应该=应不应该

Ying gai -ying gai bu ying gai =ying bu ying gai

需要-需要不需要=需不需要

Xu yao – xu yao bu xu yao =xu bu xu yao

能够-能够不能够=能不能够

Neng gou – neng gou bu neng gou =neng bu neng gou

愿意-愿意不愿意=愿不愿意

Yuan yi – yuan yi bu yuan yi =yuan bu yuan yi

Модал феъллар редупликация ҳодисасига учрамайди.

М:两年前，我想想来中国学汉语。

Liang nian qian, wo xiang xiang lai Zhong guo xue han yu. (X)

两年前，我想来中国学汉语。

Liang nian qian, wo xiang lai Zhong guo xue han yu. (√)

Ikki yil oldin xitoyga kelib xitoy tilini o'rganmoqchi edim.

Мазкур жумлада хошиш- истак модал феъли **想** *xiang* редупликацияга учраган, бу эса асосий хатони келтириб чиқарган. Шунинг учун иккинчи жумла тўғри.

Мисоллар : **必须** **必须** **走** *bi xu bi xu zou* (x)

必须 **走走** *bi xu zou zou* (√)

会 **会** **试** *hui hui shi* (x)

会 **试试** *hui shi shi* (√)

Модал феъл эмас балки асосий феъл редупликацияга учраши мумкин.

应该去河里游游泳。

Ying gai he li you young. – Дарёга бориб сузиб келиш керак.

可以到图书馆看看书。

Ke yi dao tu shu guan kan kan shu. – Кутубхонага бориб китобларни ўқиш мумкин.

Модал феъллар доимо феъллардан олдин келади, баъзида аниқловчидан олдин келиши ҳам мумкин.

Масалан: **我会游泳** *wo hui youyong.* Мен сузишни биламан

他需要安静 *ta xuyao anjing.* Унга тинчлик керак

Тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– Хитой тилидаги модал феъллар ўзининг семантик-грамматик жиҳатларига эга ва тилнинг мустақил тузилиши сифатида ўрганилиши лозим;

– хитой тилидаги модал феълларнинг 5 хил асосий лексик- семантик мисоллар ёрдамида кўрилиб, ҳар бир семантик гуруҳлардаги модал феълларнинг ҳам объектив, ҳам субъектив омиллар таъсир кўрсатиши аниқланди;

– модал феълларни ишлатишда учрайдиган хатолар таҳлили натижасида модал феълнинг эмас, балки асосий феълнинг редупликацияга учраши ва улар билан 了 *le* , 过 *guo* , 着 *zhe* ёрдамчи сўзлар қўлланилмаслиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 符淮青 «现代汉语词汇», 北京: 北京大学, 2004 年.
2. “现代汉语语法”.北京, 2003年350页.
3. “现代汉语语法”.上海, 2007年500页.
4. Семенас А.Л. Лексика китайского языка. – М.: Муравей, 2005. - 300 с.
5. Яхонтов С.Е. Категория глагола в китайском языке. - Санкт-Петербург, 1957. - 350 с.
6. Драгунов А.А. Грамматическая система современного китайского разговорного языка. – М.: ЛГУ, 1962. - 270 с.
7. Котов А.М. Об экспрессивности в китайском языке / А.М. Котов // Система языка и перевод. - М.: МГУ, 1983. – 116 с.
8. Курдюмов В.А. Курс китайского языка. – М.: 2005.
9. Большой китайско-русский словарь. — Цзилинь: Жэньминь, 1992. - 3225 с.
10. Семенас А.Л. Лексика китайского языка. – М.: Муравей, 2005. - 300 с.
11. Яхонтов С.Е. Категория глагола в китайском языке. - Санкт-Петербург: 1957. - 350 с.
12. Семенас А.Л. Лексика китайского языка. – М.: Муравей, 2005. - 300 с.